



2017 yil "15" Ноябрь

17-632 - sonli

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги
“Фуқаролар йиғинининг масъул котиби
фаолиятини янада такомиллаштириш
тўғрисида”ги 895-сонли қарори ижросини
таъминлаш ҳақида**

Вилоятда маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул котиби фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш ва олиб боришни янада такомиллаштириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фуқаролар йиғинининг масъул котиби фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 895-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан фуқаролар йиғинининг масъул котиби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низоми тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши (А.Артиқов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқаролар йиғинининг масъул котиблари ўз фаолиятини тасдиқланган Низом асосида ташкил этишига кўмаклашсинлар;

икки ой муддатда фуқаролар йиғинининг масъул котиблари малакасини оширишга доир ўқув семинарларини ташкил этсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Чориев ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Артиқов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов